Тад-тиқотлаш институти

2007 ЙИЛ, 22 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 37 (10.846) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Шу кунларда минтақаларда Президентимизнинг 2007 йил 12 февралдаги маърузасида кун тартибига қўйилган талаблар нуқтаи назаридан жойларда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинмоқда. Жумладан, 2006 йил якунлари таҳлили ва жорий йилнинг устувор вазифаларини белгилаб олиш юзасидан Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Андижондаги Бобур номли вилоят кутубхонаси негизида ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. Китоб жамғармаси 500 минг томдан ортиқ турли-туман мавзудаги адабиётларни ташкил этувчи ушбу марказ Интернетга уланган, замонавий асбоб-анжомлар билан таъминланган. Куни кеча бу ерда китобхонларнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган Республика анжумани бўлиб ўтди.

● Шаҳрисабз туманидаги «АвазМалик-консерва» масъулияти чекланган жамияти ва мева-сабзавот етиштирувчи фермер хўжаликлари таъсис этган «Бобур» мева-сабзавот агрофирмаси ўз маҳсулотларини Россия бозорларига экспорт қила бошлади. Режага кўра, агрофирма томонидан жорий йилда 170 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга экспорт қилинади.

● Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида нафис санъатнинг батик—ҳарир матога мўъжаз суратлар чизиш турига бағишланган кўргазма очилди.

● Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, турли аҳоли пунктларидаги артезиан қудуқларини таъмирлаш учун ҳомийлар томонидан 40 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди, яна бир янги қудуқ қазилди.

● Тошкент тумани Ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида педагогик ўқиш ўтказилди. У ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида ўқув-услубий, маънавий-маърифий, касбий таълим ва уларни йўлга қўйишда ахборот-коммуникация технологиялари, услубий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш муаммоларига бағишланди.

● Фарғона вилояти, Охунбобоев туманининг энг чекка қишлоқларидан бири ҳисобланмиш Қоражийдада 720 ўқувчига мўлжалланган иқтисодиёт коллежи бунёд этилмоқда. Шу йилнинг биринчи октябрида фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган ўқув даргоҳининг қурилиши учун 2,6 миллиард сўм маблағ ажратилди.

● Сурхондарё вилоятидаги «Қора-космак» фермер хўжалиги негизида Республика молхом ашё биржасининг савдо майдончалари очилди.

ЖАҲОНДА

● Венада Косовонинг келгуси мақомини белгилаш юзасидан сўнгги босқич музокаралари бўлиб ўтмоқда. Унда БМТ томонидан тақдим этилган Косовога мухторият бериш таклифи муҳокама қилинмоқда. Сербия ҳукумати эса бунга қарши чиқди. Халқаро кузатувчиларнинг фикрларига кўра, музокаралар натижасиз якунланади.

● Италия Президенти Жоржо Наполитано мамлакат Бош вазири Романо Продининг истеъфога чиқиши муносабати билан юзага келган ҳукуматдаги таназзулни ҳал этиш юзасидан бугун дастлабки йиғилиш ўтказади.

● Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Ирокдан мамлакат ҳарбий кучларини босқичма-босқич олиб чиқиб кетиш ҳақида баёнот берди. Айни пайтда 7 минг нафар британиялик аскарлар Ирокда хизмат қилмоқда. Режага кўра дастлабки бир неча ой ичида уларнинг 1,5 мингтаси, йил охиригача эса яна шунчаси Ироқни тарк этиши мумкин. Дания ҳукумати ҳам аста-секин Ирокдан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетишини билдирди.

● Таниқли кинорежиссёр ва актёр Алексей Баталов «Ника» Россия киносанъати академиясининг янги президенти этиб сайланди.

● Ироқнинг Нажаф шаҳрида кеча портловчи моддалар тўлдирилган автоуловнинг қўпорувчилик ҳаракати оқибатида полиция постига урилиши натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 30 киши ярадор бўлди.

● Кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан ядро дастурини тўхтатиш учун Эронга берилган 60 кунлик муддат тугади. Шу муносабат билан чиқиш қилган Эроннинг ядро масалалари бўйича бош вакили Али Ларижоний расмий Теҳрон ўзининг тинчлик йўлидаги ядро дастури тадқиқотларини давом эттиришини ва ушбу масала музокаралар йўли билан ҳал этилишини билдирди.

● Samsung компанияси Uitra Edition 5,9 деб номланган янги уяли алоқа воситасини ишлаб чиқарди. Мутахассислар томонидан дунёдаги энг ингичка ва ихчам аппарат сифатида эътироф этилган янги уяли сўзлашув воситасининг қалинлиги бор-йўғи 5,9 миллиметрни ташкил этса-да, аппаратнинг хотира сиғими 70 мегабайтдан иборат.

САНЪАТГА ОШУФТА ДИЛЛАРДА ФАҚАТ ЭЗГУЛИК, САМИМИЙЛИК, МЕҲР-МУҲАББАТ СИНГАРИ ФАЗИЛАТЛАР БИСЁР БЎЛИШИ ШУБҲАСИЗ. ШУНИНГДЕК, САНЪАТИ ДОВРУҒ ЁЯЁТГАН ЭЛДА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ДЎСТЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ АЛБАТТА.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

2007—Ижтимоий ҳимоя йили

САНЪАТ ГУНЧАЛАРИ

Мамлакатимизда жажжи кичкинтойларнинг санъатга, қўйқўшиққа бўлган ихлоси ортиб бораётганлигини куни кеча пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тадбирда яна бир бор гувоҳи бўлдик. Шу куни карнайсурнай садолари остида ушбу кошонага санъатимиз гулғунчалари ташриф буюришди. Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокими тасдиқлаган чора-тадбирлар режаси ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси дастурига асосан Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан шаҳар болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ўқувчилари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда 2006 йил «Ниҳол» мукофоти совриндорлари билан биргаликда қўшма хайрия концерти уюштирилди.

Хайрия концертига шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйларининг 200 дан ортиқ тарбияланувчилари таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар санъатимиз майдонига ўзининг ширали овози, иқтидори билан кириб келаётган жажжи кичкинтойларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, уларга яқиндан кўмак бериш кераклигини таъкидлаб, келгусида ёш овозлар сафи кенгайиб, санъатимиз майдонини қуёш янглиғ ёритишларига умид билдириб, уларнинг санъатига ижодий парвозлар тилашди. Шундан сўнг Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Меҳрибонлик уйлари, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб-интернатларига Тошкент шаҳар ҳокимияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Саҳнага бирин-кетин жажжи кичкинтойлар, ўсмирлар чиқиб ўз санъатларини намоён этиб дилдан жўшиб куйлашди, шўхшодон рақслари билан йиғилганлар қалбига бир олам қувонч бахш этишди. Шунингдек, хайрия концертида иштирок этган «Ниҳол» мукофоти совриндорлари Сардор Раҳимхон, Фирдавс, Жасур Мирсоатов, Абдували Ражабов ижроларидаги қўшиқлар айниқса болажонларга манзур бўлиб, шодликларига шодлик қўшди.

— Шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфида 23 та болалар мусиқа ва 7 та санъат мактаблари фаолият кўрсатиб, ушбу мактабларда 6700 нафар ўқувчилар таҳсил олишмоқда,—дейди шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов.— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим олаётган ўқувчилар, шу жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтож етим болалар, ногирон ўқувчиларнинг санъатларини намойиш этиш, уларнинг санъатга қизиқишларини ошириш, мусиқа соҳасида эришаётган ютуқларини рағбатлантириш, шунингдек, болажонларнинг бўш вақтларини мусиқа ва санъат мактабларида ўтказишга жалб этишдан иборатдир. Бугунги концерт иштирокчилари орасида кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар интернатидан 20 нафар, 21-Меҳрибонлик уйидан 18 нафар, кам таъминланган оила фарзандлари билан жами 180 та бола қатнашди.

— Хайрия концертида кўзи ожизлар ҳамда заиф кўрувчи ногирон болалар мактаб-интернати ўқувчилари ҳам ўз санъатлари билан иштирок этганликларидан бениҳоя хурсандлар,— дейди 6-сон болалар санъат мактабининг директори Софья Якубова.— Ушбу мактаб ўқувчилари орасида санъатга иштиёқи баланд бўлган истеъдодли ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Шу боис 2004 йилда мазкур мактаб-интернат қошида 6-сон болалар санъат мактабининг филиалини ташкил этдик. Айни кунларда мактабимиз филиалида 80 нафар болага малакали ўқитувчиларимиз санъат сирларидан сабоқ беришмоқда. Шуни айтиш жоизки, ўтган йили шу мактаб ўқувчилари Қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танловида биринчи ўринни қўлга киритиб, катта муваффақиятга эришишди. Ўйлайманки, келгусида мактаб ўқувчилари орасидан ўзининг беқиёс санъати билан санъатсевар халқимиз кўнглидан жой оладиган бетакрор овоз оқиблари етишиб чиқадилар албатта. Бундай хайрия концертларининг ўтказилиши ҳам санъат майдонига кириб келаётган ёшлар, айниқса кўнгли ўксик болажонлар учун катта мактаб бўлади десам адашмайман.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Туркистон» саройида бўлиб ўтган хайрия концертидан лавҳалар.
Наталья Семёнова ва Раҳмонбек Исломов олган суратлар

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА 21 ФЕВРАЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА КУВАЙТ ДАВЛАТИ, ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИЛАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНГАН – ОДИЛ МУҲАММАД АБДУРАСУЛ ҲАСАН ҲАЁТ, ШАҲРИЛ САБАРУДДИН ВА АЗИЗ МАДМАРОВ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли ватозимга тайинлангани билан қутлади, уларнинг мамлакатимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади. Юртимизда фаолият бошлаётган бу дипломатлар ҳамкорликни кенгайтириш ишига муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига анча бўлган. Аммо Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга бўлган расмий ташрифига қадар томонлар ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланмай келди. Ушбу ташриф чоғида ўзаро муносабатларни ривожлантириш, амалий ҳамкорлик учун қулай шароит яратиш масалалари муҳокама қилиниб, қатор келишувларга эришилди. Жумладан, ҳукуматлараро қўшма комиссия тузишга қарор қилинди.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида, халқаро сиёсий жараёнларга нисбатан Ўзбекистон ва Кувайт раҳбариятининг қарашлари уйғун. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш, ҳаво алоқаси борасидаги, шунингдек, террорчиликка, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланган. Ўзбекистон Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

—Ўзбекистон Президентининг Кувайтга ташрифи икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб, алоқалар фаоллигини оширди, — деди Кувайт элчиси журналистлар билан суҳбатда. — Ўзаро муносабатларимиз ҳар томонлама ривожланмоқда. Ўз миссиям давомида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Индонезия Ўзбекистоннинг Жанубий-Шарқий Осиё минтақасидаги ишончли шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, террорчилик ва бошқа турдаги таҳдидларнинг олдини олиш масалаларида ҳамфикр. Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан Ўзбекистон ҳам, Индонезия ҳам манфаатдор. Айни пайтда савдо-сотиқни ривожлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, божхона соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида маданият, илм-фан, таълим, сайёҳлик каби соҳаларда ҳам ҳамкорликнинг истиқболлари порлоқ. Масалан, Индонезия аҳли Ўзбекистоннинг бой тарихий меросига, жумладан, Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларимиздаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишга катта қизиқиш билан қарайди.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Тошкентда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликларининг делегациялари ўртасида икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувларнинг биринчи давраси бўлиб ўтди. Унда ўзаро ҳамкорликка, БМТ, АСЕАН, Ислом конференцияси ташкилоти каби тузилмалар доирасидаги алоқаларга доир кенг қамровли масалалар кўриб чиқилди. Бу ҳам Ўзбекистон-Индонезия ҳамкорлиги тараққиёт йўлидан бораётганига бир далилдир.

— Ўзбекистон ва Индонезиянинг сиёсий ҳамкорлиги юқори даражага кўтарилган, иқтисодий соҳада ҳам мамлакатларимиз бир-бири учун яқин шериклардир, - деди Индонезия элчиси. - Савдо-сотиқни, иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш Ўзбекистондаги фаолиятимнинг асосий йўналишларидан бири бўлади. Келганимга энди икки ойдан ошган бўлса-да, юртингиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда эришган улкан ютуқлар билан танишдим ва бу кишини қувонтиради.

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир-бири билан қувончли кунларини баҳам кўриб, оғир дамларда ҳамдард, елкадош бўлиб яшаб келган. Умумий тарих, муштарак маданият ва урф-одатлар, тил ва диннинг бирлиги бугунги кунда ҳам ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги алоқаларда яхши кўшничилик ва қардошлик, ўзаро ишонч тамойиллари устувор аҳамиятга эга. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 38 фоиз ўсди.

Икки мамлакат раҳбарлари МДҲ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва бошқа халқаро тузилмаларнинг саммитларида мунтазам учрашиб турадилар.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 2006 йилнинг октябрида Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди, - деди Қирғизистон элчиси. - Ташриф асносида Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Қўшма баёнотга ҳамда 2007-2011 йилларда иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва дастурга имзо чекдилар. Бу билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Мен Ўзбекистондаги элчилик фаолиятим давомида эришилган ана шу аҳдлашувларни амалга ошириш ва мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш борасидаги ишларга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

(ЎзА)

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУРЛАР — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

КЕЧА ПОЙТАХТДА ШАҲАР ФАОЛЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2006 ЙИЛДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ ҲАМДА ЯҚИНДА БЎЛИБ ЎТГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН 2007 ЙИЛ ИСТИҚБОЛ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЖОРИЙ ЙИЛ УЧУН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ.

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев 2006 йилда эришилган натижаларга урғу бериб, ўтган йил пойтахтнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, ҳисобот йилида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди, аҳолининг турмуш даражаси ошишида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида изчил амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ ўтган йили иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигининг ошиши кўрсаткичлари мустаҳкамланганлиги қайд этилди.

Сарҳисобларга қараганда, давлат ва маҳаллий бюджетнинг параметрлари мувофиқ равишда 2,2 ва 3,4 фоизга ошиғи билан бажарилди. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, хусусан, солиқ юкини пасайтириш, текширувларни қисқартириш, ҳисоботларни тартибга солиш ва янги субъектларни ташкил этиш жараёнларини соддалаштириш борасидаги такомиллаштирилган қонунчилик-меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳисобига давлат бюджети тушумларини 115,5 миллиард сўмга кўпайтиришга эришилди.

(Давоми 2-бетда)

Қиска сатрларда

● **БУГУН** Чилонзор Матбаа касб-ҳунар коллежида "Интеллектуал олимпиада" лойиҳаси доирасида "Камолот" ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган мусобақаларда тумандаги олий, ўрта махсус таълим ва халқ таълими муассасалари талабалари, ўқувчилари беллашди.

● **БУГУН** Ҳамза туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан туман фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган семинарда фавқулодда вазиятларда ҳушёрликни қўлдан бермаслик ҳамда чорасиз қолганларга ёрдам кўрсатиш усуллари муҳокама қилинди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги 175-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда "Камолот" ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилган шашка мусобақасида тумандаги ўрта мактаблар, коллеж, лицейлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ўзаро беллашди.

● **ТОШКЕНТ** Ислом университетида исломшунос, шарқшунос олимлар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуманда пойтахтимизнинг ислом маданиятида тутган ўрни борасида сўз борди.

● **ҲАМЗА** туманидаги 282-мактабда битирувчи синф ўқувчилари, ота-оналар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбатида ёшларни касбга йўналтириш масалалари муҳокама қилинди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 23 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ, 1 даража илиқ, кундузи 10-12 даража илиқ бўлади.

№ 37 (22.02.2007)

ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУРЛАР — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,9 фоизга кўпайганлиги кузатилган бўлса, бу борада иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари сифатида саноатда ишлаб чиқаришнинг ҳажми — 25,2 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиши — 29,6 фоизга, пудрат ишлари бажарилиши — 4,3 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичлар 16 фоизга ошгани алоҳида эътиборлидир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида ҳам салмоқли ютуқларга эришилди, бу эса юқорида қайд этилган кўрсаткичларнинг барқарорлигига асос бўлиб хизмат қилди. Айниқса саноатда эришилган ишлаб чиқариш самарадорлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Бунга «Ўзкабель», «Дойче кабель», «Ўзтемирйўлмаштаъмир», «Фарм Гласс», «Тошёғмой комбинати» каби 16 та йирик корхонанинг улуши саноатда эришилган ҳажмларнинг 35 фоизини ташкил этиши далил бўла олади. Ушбу корхоналар томонидан маҳаллий хом ашё асосида 72 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиб, бунинг ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмларини 114,2 миллиард сўмга оширишга эришилди. «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамияти ҳам шулар жумласидандир. Ўтган йиллар давомида ушбу корхона ўз эҳтиёжлари учун 2 миллиард сўмга тенг бутловчи қисмларни буюртма асосида, яъни ўзга корхоналар самарадорлигини ошириш ҳисобига қоплаб келган бўлса, эндиликда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги технологик жараёнларни жорий этиш ҳисобига зарур бўлган бутловчи қисмларни ўз кучи билан ишлаб чиқармоқда. Жамият бошқаруви раиси ўринбосари Галина Коробкованинг таъкидлашича, маблағларнинг иқтисод қилиниши биринчи навбатда айланма капитални оширишга, демак, корхонанинг ҳам истиқболли ривожланишига имконият очиб бермоқда.

Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, зарар билан ишлаётган 39 та корхонада ишлаб чиқариш ҳажмлари 20 фоизга оширилиб, 156,2 миллиард сўмга тенг маҳсулот чиқарилди. «Фотон», «Технолог» каби бундай корхоналар ичида «Ўзбек қоғози» акциядорлик жамияти ҳам бор. Ўтган беш йил давомида «Ўзбек қоғози» оғир молиявий аҳволда бўлган. Ночор вазиятни барқарорлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида, хусусан ички имкониятларни жалб этган ҳолда ҳамда ҳукумат кўмаги остида 2006 йилда акциядорлик жамияти бюджет олдидаги ҳамда ишчи-хизматчиларга ойлик бўйича қарзларни тўла қоплаб, олдинги йилларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмларини деярли икки баравар оширишга муваффақ бўлди. Жамият бошқаруви раиси Маҳмуд Умаровнинг фаоллар йиғилишида берган ахборотига кўра, айни пайтда изланишлар давом этмоқда, шу жумладан бир нечта инвестицион лойиҳалар устида ташкилий ишлар олиб борилаётир. Уларнинг татбиқ этилиши эса, шубҳасиз, корхона фаолиятининг изчиллигини таъминлайди, лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу борадаги имкониятлар ҳали тўлиқ амалга оширилмаган, зеро, корхона ишлаб чиқариш қувватларининг атиги 25 фоизидан самарали фойдаланмоқда.

Ҳисобот даврида тўқимачилик соҳасида ҳам юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Бу борада айниқса «Байтекс тижарет», «Шайхонтоҳур текстил», «Мурувват текс», «БФ текстайл» каби хорижий инвесторлар ҳамкорлигидаги корхоналарнинг улуши салмоқли бўлмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида эса банк ва молия тузилмаларининг ўрни анча фаоллашгани кузатилди. Хусусан, ўтган вақт давомида ажратилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳажми 187,3 миллиардга кўпайди.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда мулкчиликнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, ўз навбатида, инвестицион иқлимнинг ҳам янада яхшиланиши ва хорижий инвестициялар ҳажмининг кўпайишида ўз аксини топди. 15 та лойиҳа бўйича 54,7 миллион АҚШ долларига тенг инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, шундан 49,4 миллион АҚШ долларилик ҳажмни — тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, умумий инвестицияларнинг 54,4 фоизи алоқа ва телекоммуникация соҳасига тўғри келади.

Шаҳар экспорт салоҳиятининг жадал ривожланиши ҳам 2006 йилда эришилган муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Йил сайин ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этилаётган корхона ва ташкилотлар сони кўпайиб бормоқда. Ҳисобот даврида эса маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми 1,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. Бу эса 2005 йилга нисбатан 12,6 фоизга юқори кўрсаткичдир. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикадаги каби пойтахтда ҳам экспорт ҳажмининг ўсиши хом ашё ҳисобига эмас, балки биринчи навбатда тайёр маҳсулотлар ва уларнинг турлари, шу жумладан трикотаж, пахта матолари, кабель, қурилиш, бошқа маҳсулотлар ҳисобига ошиб бормоқда. Эътиборлиси яна шуки, пойтахтнинг биргина Яккасарой тумани умумий экспорт ҳажмининг деярли 50 фоиздан кўпини таъминлашга эришди. Бу борада бошқа туманларда ҳам силжишлар кузатилган бўлса-да, аммо бошқалардан фаркли ўлароқ фақат Чилонзор тумани саноатда ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришди.

2006 йилда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва олдинга силжишлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳасининг илгарилаб ўсиб бориши, меҳнатнинг турли шакллари билан шуғулланишга имкониятлар кенгайиши эвазига 49,4 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди, шундан 69 фоизи тадбиркорлик субъектларига тўғри келади. Ўтган вақт ичида 972 та янги корхоналар, шу жумладан бешта йирик корхона ишга туширилди. Йирик корхоналар негизида касаначиликни ривожлантириш жараёни ҳам фаол кечди. Жумладан, 2006 йилда уй шароитида 4,8 мингдан зиёд иш жойлари яратилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар, шунингдек ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурларининг татбиқ этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилига режалаштирилган дастурий вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 26,6 миллиард сўм, шу жумладан бюджетдан 14,9 миллиард сўм, 11,6 миллиард сўм эса ҳомийлар маблағларидан сарфланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида бешта касб-ҳунар коллежи, иккита академик лицей ва битта янги мактаб фойдаланишга топширилди, бундан ташқари, 19 та халқ таълими муассасаларида тубдан таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Йиғилишда ўтган йил якунларининг муҳокамаси давомида айрим соҳалардаги муаммоларга ҳам урғу бериб ўтилди. Жумладан, кейинги пайтда коммунал, айниқса уй-жой-коммунал соҳасидаги ижобий ўзгаришлар, хусусан, кўп қаватли уйлардаги мулкдорлар ҳуқуқларини таъминлаш учун яратилаётган имкониятларга қарамасдан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятида ҳануз самарадорликка эришилмаётир. 2006 йил бошидан қўшимча яна 1230 та ширкат ташкил этилган бўлса, шундан 508 таси биттадан кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатади. Аммо аксариятининг ҳудудларни ободонлаштириш ва санитар тозалигини таъминлаш, уй-жой фондини сақлаш борасидаги хизмати ниҳоятда паст даражадаги ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, таъкидланганидек, аниқ механизм ишлаб чиқилмаган. Ҳисобот даврида аҳолининг айниқса газ ва электр қуввати учун қарзлари анча ошган. Коммунал хизматларининг тўловларни ундириш мақсадидаги 21 миллиард сўмга тенг даъво аризалари суд томонидан қаноатлантирилган бўлса-да, аммо ушбу қарорлар суд ижрочиларининг масъулиятсизлиги туфайли қоғоздалигича қолмоқда.

Фаоллар йиғилишида сўзга чиққан Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова шаҳар хўжалигидаги эришилган ютуқлар, шунингдек, юқорида қайд этилган муаммоларга эътибор қаратган ҳолда пойтахтнинг барча соҳалар, шу жумладан коммунал соҳасида ҳам барқарор ва изчил ривожланиши учун салоҳияти катта ва имкониятлари кенг эканлигига урғу бериб ўтди. Дарҳақиқат, шаҳарда газ, электр қуввати билан таъминлашда муаммолар, аниқроғи узилишлар деярли кузатилмайди. Уй-жой-коммунал соҳасидаги ислоҳотлар авваламбор аҳоли манфаатларини таъминлашга йўналтирилгандир. Бироқ бу борада ҳамма нарса жой-жойида дейишга вақт ҳали эрта. Демак, саъй-ҳаракатларни давом эттирган ҳолда, эришилган ижобий натижаларда ҳам орқага сурилишга асло йўл қўймаслик лозим. Бу бошқа соҳаларга ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистон Президенти томонидан жорий йил учун белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда шаҳар фаоллари ўз кучимкониятларини ягона мақсад сари — аҳоли турмуш даражасини янада ошириш йўлида бирлаштириб, айниқса иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида бир қатор муҳим вазифаларни амалга оширишлари даркор. Йиғилишда таъкидланганидек, иқтисодиёт эндиликда индустриал салоҳиятга эга бўлиши лозим. Айниқса саноатда инновацион дастурларнинг янада кенгроқ татбиқ этилиши зарур. Шу мақсадларда ҳар бир корхона томонидан истиқболли дастур ишлаб чиқилиши ва асосий эътиборни фойдаланилмаётган қувватларни бозор талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда ишга солиш тақозо этилади. Илмий-техник хусусиятларга эга бундай дастурда технологик жараёнларни такомиллаштириш ва модернизациялаш чора-тадбирларига алоҳида ўрин ажратиш керак. Шу билан бирга, нафақат корхоналарни, балки тармоқларни ҳам таркибий ўзгартириш масаласи илгари сурилиши муҳимдир. Шу тарика, ҳар бир соҳанинг ички ҳудудий маҳсулотдаги улушини аниқлаган ҳолда, республикамизнинг муҳим минтақасининг истиқболини ҳам белгилаб олиш имконияти бўлади. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши билан бирга, ўз навбатида, пойтахтнинг келажагига қаратилган ягона ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишга, бу борада фақат пойтахт учун мақбул ва барқарорлигини таъминлашга қодир соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Иқтисодиёт

«АЛГОРИТМ» КОРХОНАСИ — 25 ЁШДА

«ЎЗБЕКТЕХСАНОАТ» УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ «АЛГОРИТМ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗИНИНГ 25 ЙИЛЛИК САНАСИНИ НИШОНЛАМОҚДА. 1982 ЙИЛДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАН БУ ЙИРИК КОРХОНА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ РАДИОЭЛЕКТРОНИКА САНОАТИ ВА АСБОБСОЗЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САЛМОҚЛИ ЎРИН ТУТАЁТИР.

Шу ўтган чорак аср мобайнида унинг цех ва участкаларида асбобсозлик тармоғи учун пластмассали деталлар, лок-бўёқ идишлари қопламалари, электрон моделдаги босма маҳсулотлар тайёрлаш кенг йўлга қўйилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ярим автоматик ва автоматик радиотехника мосламалари ҳам харидоргир бўлиб қолди.

Кейинги бир йил ичида «Алгоритм»чилар автомобиллар рақами белгиларидан 260 мингтасини, электр энергиясининг бир фазали ҳисоблагичларини етказиб бердилар. Эндиликда макарон чиқаришга мослаштирилган қурилмаларга ҳам кўплаб буюртмалар олинмоқда.

Тошкентдаги «Лок Колор Синтез» қўшма корхонаси, «Ўзбекқоғоз» акциядорлик жамияти каби корхоналар «Алгоритм»га хом ашё етказиб бермоқда. «Газспорт» очиқ акциядорлик жамияти, «Тошшаҳарнур» корхонаси эса унинг доимий буюртмачисига айланган.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

«ЎЗЭЛЕКТРТЕХСАНОАТ» УЮШМАСИ ЎЗ ТАРКИБИДАГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЎТГАН ЙИЛГИ ИШ НАТИЖАЛАРИНИ САРҲИСОБ ҚИЛДИ. КАБЕЛЬ САНОАТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН КОРХОНАЛАР ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШДИЛАР.

«Ўзбеккабель» очиқ акциядорлик жамияти жамоасининг йил якунларидан юзлари ёруғ бўлди. Амалга оширилган техника изланишлари туфайли корхонада қатор янги технологиялар йўлга қўйилди.

Юқори вольтли кучли кабеллар тайёрлашга доир технология жамиятга катта иқтисодий фойда келтирмоқда. Бундай сифатли маҳсулот мебеллар тайёрлаш жараёнларида қўл келмоқда.

Бундан ташқари «Ўзбеккабель»чилар техник изланишлари туфайли электровозларнинг тортиш трансформаторлари учун янги хил мосламалар юзага келди. Корхона бундай ютуқлари учун уюшма томонидан тақдирланди.

Таълим

ЎН ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ ЎЗИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАДИ.

Ўзбекистон Президентининг 1997 йилдаги «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонига биноан ташкил топган бу олий ўқув юрти учун Тошкент хореография билим юрти негиз бўлиб хизмат қилди.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу билим ва маҳорат даргоҳида «Хореография санъати» бакалаврлик йўналишидан ташқари «Хореография жамоалари раҳбарлари», «Хореография режиссёрлиги», «Хореография педагогикаси», «Хореография санъати ва назарияси» мутахассисликлари бўйича магистратура ҳам ташкил этилди.

Олий мактаб ҳузурида фаолият кўрсатаётган хореография махсус коллежида эса «Ансамбль артисти», «Балет артисти» каби бўлимлар мавжуд. Машғулотларни олиб бориш учун таниқли рақс санъати усталари ҳам жалб этилмоқда.

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДАН

БУГУНГИ КУНДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА РАССОМЛИК САНЪАТИ БЎЙИЧА КЎПЛАБ ИСТЕЪДОДЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА. БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЧИЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ЭСА БУ БОРАДА ЕТАКЧИ ЎРИН ТУТАДИ.

Бу олий ўқув юрти Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида 1997 йилда юзага келди.

Бадиий таълимнинг кўп йиллик анъанасига эга бўлган Маннон Уйғур номидаги ҳозирги санъат институтининг рассомлик факультети негизида ташкил топган мазкур олий ўқув юрти ўзининг ўн йиллигини ёруғ юз билан кутиб олди.

Унинг амалий санъат факультетида дастгоҳли рангтасвир, маҳоратли рангтасвир, театр безак рангтасвири, кинофильм бадиий ечими, телекўрсатув бадиий безак ечими, китоб графикаси каби ихтисосликлар бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Санъат дизайнининг моҳир усталари ҳам етишиб чиқмоқда.

Институт ҳозир ўндан ортиқ хорижий санъат олий ўқув юртлари билан яқин илмий алоқани йўлга қўйган.

КАФЕДРА — НУФУЗЛИ УЮШМА АЪЗОСИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИНИНГ «МАТБАА ВА БОСМА МАҲСУЛОТЛАРИ ДИЗАЙНИ» КАФЕДРАСИ ФАОЛИЯТИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. УНИНГ «МАТБАА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ХАЛҚАРО УЮШМАСИГА АЪЗО ЭТИБ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ НУР УСТИГА АЪЛО НУР БЎЛДИ.

Бу эса кафедранинг қатор соҳавий олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиши учун кенг йўл очди. Германиядаги Берн университети билан алоқа ҳам яхши самара бермоқда.

Германия таълим тизимининг гранти соҳиби бўлган кафедра талабалари Берн университетида таълим олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бундан ташқари Москва Давлат матбаа университети билан ҳам кадрлар айирбош қилиш йўлга қўйилди.

Акбар АЛИЕВ

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎҚУВИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2007 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ ЖОЙЛАРДА ЧУҚУР ЎРГАНИЛИБ, УНДА ҚЎЙИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНМОҚДА. АНА ШУНДАЙ МАХСУС КУРС МАШҒУЛОТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИДА ҲАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларнинг туман ва шаҳарлари хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари, фаол аёллар иштирок этмоқда.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга биноан юртимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, касбий, ҳуқуқий, иқтисодий билим ва малакасини янада ошириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда янги иш ўринларини барпо этиш, хотин-қизлар ўртасида хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга оид чора-тадбирларни кенгайтириш ҳам давр талаби.

Беш кун давом этадиган машғулотларда «Ижтимоий ҳимоя – барқарор тараққиёт омили», «Хотин-қизлар қўмиталарининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасидаги фаолият йўналишлари», «Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир давлат сиёсати», «Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари» каби мавзуларда маърузалар тингланади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

ЎзА

МИРОБОД ТУМАНИДА 3000 НАФАРГА ЯҚИН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИ. УЛАРНИНГ ТУМАН ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДАГИ, РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАГИ, ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШДАГИ ҲИССАЛАРИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАГАН ҲОЛДА ТАШАББУС КЎРСАТИШДАГИ ИШТИЁҚЛАРИ БАЛАНДЛИГИНИ ҲАМ АЙТИБ ЎТИШ, АЛБАТТА ЖОИЗ.



«Ташаббус — 2007»

ИШТИЁҚЛАРИ СЎНМАЙДИ

Ана шундай иштиёқни, янгиликка интилишни куни кеча Темирйўлчилар маданият саройида ўтказилган Президент соврини учун «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг Миробод тумани босқичида ҳам яққол кўриш мумкин. Кўрик-танловда ўзларининг аниқ мақсадлари йўлида изланиб, ички бозордан ўрин топган ва хориж бозорига ҳам маҳсулот экспортини йўлга қўйган, бозорни, харидор дид ва эҳтиёжини чуқур ўрганаётган, замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга муттасил жорий этаётган, такрорланмас асарлари билан одамларга завқ бағишлаётган тадбиркору ҳунармандлар куч синашдилар, маҳорату билимдонликларини намойиш этишди.

Танлов ҳайъати аъзолари иштирокчиларнинг ҳар бир шарт бўйича вазифалар ва чиқишларини баҳолар эканлар, аввало адолат мезонларига қатъий амал қилдилар. Зукко томошабинлар эса ҳар бир иштирокчининг шартларни бажаришдаги маҳоратларига гувоҳ бўлиб, уларга қарсаклари орқали мадад бериб боришди.

— Ўтган 5 йиллик фаолиятимизнинг даврида Президентимизнинг тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб кўрсатган ғамхўрликларидан беҳад илҳомландик, — дейди «Табассум қандолатлари» хусусий корхонаси раҳбари Табассум Абдуллаева. — Шу боис ҳам ишлаб чиқаришни йилдан йилга кенгайтириб, маҳсулотларимиз тури ва рақобатбардошлигини ошириб бораяпмиз. Энг қувонарлиси, сифатли қандолат маҳсулотларимизнинг фақатгина пойтахтда эмас, балки республикамиз вилоятларида, ҳаттоки чекка Қорақалпоғистон Республикасида ҳам харидорлари бор. Жорий йилда хорижий дастгоҳлар асосида янги йўналиш бўйича ишлаш ниятимиз бор. Мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавотларни қайта ишлаш асосида табиий шарбат ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Ҳам аҳолининг сифатли ва арзон маҳсулот билан, ҳам бир неча кишини янги иш ўринлари билан таъминлаймиз. «Ташаббус»дан эса жуда мамнунмиз. Чунки, ушбу кўрик-танлов фақатгина беллашув бўлиб қолмай, ҳар биримизни изланишга ундайди. Унинг рағбати эса кўнгилларни эзгу ниятларга тўлдиради.

Албатта, кўрик-танлов рағбати унда қатнашган ҳар бир иштирокчининг меҳнати маҳсулидир. Бу борада беллашувда «SHAFFOF SERVIS» хусусий корхонасининг омади келди. Шифобахш кумушли булоқ суви ишлаб чиқарилаётган ушбу корхона раҳбари Абдубосит Исахўжаев 1-ўринни эгаллаб, «Энг яхши тадбиркор» номини қўлга киритди. Ҳунари гўзал ёғоч ўймакори Мирсаид Ниғматов эса «Энг яхши ҳунарманд» деб топилди. Ғолиблар кўрик-танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олишди. Барча иштирокчиларга топширилган диплом ва эсдалик совғалари дилларни хушнуд этди.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: Мирободда ўтказилган кўрик-танлов кўргазмасидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Лёд борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Замондошларимиз

ҲАЁТИМ МАЗМУНИ

АЁЛЛАРИМИЗ ҲАР ЖАБҲАДА ПЕШҚАДАМ. УЛАРНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ, МЕҲНАТЛАРИ, ТИНИМ БИЛМАЙ ИЗЛАНИШЛАРИ ВА ИНТИЛИШЛАРИ БОИС ҲАМ ЖАМИЯТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛМОҚДА.

Мақоламизда сизга таништирмоқчи бўлаётган Саида Арипова ҳам, ҳамма қатори оддийгина ўзбек аёли. Негадир баъзан жуда кўплаб унвонлар олган, ёки фанда янгиликлар яратаётган хотин-қизлар ҳақида жуда кўп ёзамизу, ҳаёт билан қадамба-қадам одим ташлаётган, бутун ҳаётини заҳматли меҳнатга бағишлаган, эзгуликни ўзига шиор қилиб олган инсонларни унчалик эслайвермаймиз.

Саида Арипова Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини битиргандан сўнг илк иш фаолиятини «Гунча» журналида бошлади. Болалар учун шеър ва ҳикоялар, турли хил мавзудаги мақолалар ёза бошлади. Ўзининг тиниб-тинчимаслиги билан ном қозонган опа кейинчалик ушбу журналда масъул котиб бўлиб ишлади. Журнални мазмун жиҳатдан ҳам, кўриниш жиҳатдан ҳам янада яхшироқ чиқишига ўз ҳиссасини қўшди ва ҳаётининг ўн йилини айнан шу журналда қайноқ меҳнат қучоғида ўтказди.

—Мен,— дейди Саида опа,— азалдан болаларга сабоқ беришни орзу қилардим. Ана шу интилиш қадрдон мактаб қучоғига етаклади. Болалар оламидек тоза, беғубор, пок жой йўқ дунёда. Мен ҳаётим давомида шу нарсага амин бўлдимки, умрнинг мазмун-моҳияти ҳам, яшашнинг сири асрори, гашту таровати ҳам, фақат болалар билан ёрқин ва нурафшондир. Зеро, инсон бир умр болалигига талпиниб, уни қўмсаб яшайди, чунки болалик олами ҳамиша биллурдек софдир. Унда соғинчлар, энг гўзал ҳис-туйғулар, ростлик, самимийлик мужассам. Ўқувчиларим даврасида ўзимни жуда бахтиёр сезаман. Уларнинг илмли, маърифатли, доно, зукко бўлиб таълим-тарбия олишларида ўзимнинг арзимас бўлсада ҳиссам борлигидан жуда мамнунман. Келажагимизнинг порлоқ юлдузлари бўлиб униб-ўсаётган ёшларни кўрганим сари кўзим қувнайверади.

Дарҳақиқат, ёшлар таълим-тарбиясига эътибор бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Саида Арипова шаҳримиздаги 29-мактабда 20 йил ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берди. Ўтган йилдан бери эса Учтепа туманидаги 123-мактабда директор лавозимида фаолият юритиб келмоқда. 40 йиллик тарихга эга мазкур мактабда бугунги кунда 72 нафар ўқитувчилар 1225 нафар ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Уларга бош-қош бўлиб жамоани янада бирлаштириб келаётган Саида опа ҳамон изланишда.

Тўрт нафар фарзандини илмли, эл орасида обрўли қилиб тарбиялаган муаллима опамиз, бугунги кунда тўрт набиранинг ҳам суюмли бувижониси, уларнинг тарбиясига ҳам доимо масъуллик ҳисси билан ёндашиб келмоқда.

— Фақат хорижда изланиб, интилиб юрган ўғлимни жуда кўп соғинаман. Яна бир холис ниятим бор, ўқитувчиларга, уларнинг машаққатли меҳнатига бағишлаб бир китоб ёзмоқчиман. Зеро, Мир Алишер Навоий бобомиз айтганларидек:

Хунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб туфроққаму кетгумдир охир.

— дейди опа камтарлик билан.

Ҳа, эзгуликнинг кечи йўқ. Тарбиянинг ўчоғи бўлмиш мактаб дунёдаги иморатларнинг энг муқаддас ва қадрлисидир. Саида опа яратаётган китоб эса ана шундай муқаддас масканларда дунёга келишининг ўзи ҳам бир бахтдир.

Гулчехра САТТОР қизи.
СУРАТДА: Саида опа ўқувчилар даврасида.

Туманларда

«ОИЛА» МАРКАЗИНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

ОИЛА—МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ БЕШИГИ. ЁШЛАРНИ БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР. ОИЛА - ЖАМИЯТ ЎЗАГИ ВА НЕГИЗИДИР. У ҲАР БИР ХАЛҚ, МИЛЛАТНИНГ ДАВОМИЙЛИГИНИ САҚЛОВЧИ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ, АВЛОДЛАР УМР ЗАНЖИРИНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ, МАЪНАН ЕТУК, АХЛОҚАН ПОК, РУҲАН СОҒЛОМ ВА ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛОВЧИ МУҚАДДАС ДАРГОҲДИР. ШУ ЖУМЛАДАН, БУ БОРАДА ШАҲРИМИЗ ТУМАНЛАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «ОИЛА» МАРКАЗЛАРИНИНГ ОЛИБ БОРАЁТГАН ИШЛАРИ ҲАМ ДИҚҚАТГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА.

Яқинда Бектемир туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар «Оила» маркази, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими Кенгаши, Бектемир туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида «Оила ва жамият» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда туманлар «Оила» марказлари раҳбарлари, маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, маҳалла фаоллари иштирок этдилар.Анжуманни Бектемир туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Қундуз Сайдалиева кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди: «Ҳар бир миллат, жамиятнинг энг қимматли хазинаси соғлом оиладир. Аҳил оила жамият, миллатнинг соғлом ижтимоий-муҳитига асос солади ва уни ривожлантиради. Инсонга хос ҳамма фазилатларнинг илдиз томири аввало оилада шаклланади. Ҳозирги даврда жамиятни янгилашда, оиланинг ижтимоий,иқтисодий, маданий ва ахлоқий аҳамияти ортиб бормоқда ҳамда ёш авлодни шарқона қадриятлар асосида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Семинарда шунингдек, «Ёшлар» дастури, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Оила» марказларининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳақида Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари, шаҳар «Оила» маркази раиси Гулнора Йўлчиева ва бошқалар сўзга чиқиб маҳалла ёшларини ҳаётга тайёрлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш тўғрисида маъруза қилдилар. Анжуман сўнгида Бектемир туман «Настарин-Шалола» ўқув марказининг тақдимоти бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари мазкур ўқув марказининг фаолияти билан яқиндан танишиб, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— «Настарин-Шалола» ўқув маркази 2006 йил сентябрда ташкил топган бўлиб, бу ерда тикиш-бичиш, пазандалик,қандолатчилик, сартарошлик сингари ўқув курслари фаолият олиб бормоқда,—дейди мазкур ўқув маркази раҳбари Мунирахон Маърупова.— Бу ўқув курсларида кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади. Яна шуни қувонч билан айтишим керак, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан туманимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларни иш билан таъминлаш мақсадида хотин-қизларга иш шароити яратилиб, кичик цех ташкил қилинган. Ҳозирда 40 нафар хотин-қиз бу цехда иш қўлқопларини тикишмоқда. Келгусида ишчи ўринларимизни кенгайтириб, уйда ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида касаначиликни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз. Бундай ўқув марказини ташкил қилишдан мақсад ҳам аввало балоғат ёшидаги қизларни турмушга тайёрлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳунар ўргатиш, ишсизларни иш билан таъминлашдан иборат.

Дарҳақиқат, туманда ташкил топган «Оила» ўқув марказини кўздан кечириб, бу ерда бошланган хайрли ишларнинг гувоҳи бўлдик. Бошқаларга намуна бўла оладиган ўқув марказининг ибратли ишларини ҳақиқатан ҳам таҳсинга сазовор дейиш мумкин.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТДА: «Оила» ўқув марказининг тақдимотидан лавҳа.
Равшан Шокиров олган сурат

Ўқув марказларида

ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

ОИЛАНИНГ САРИШТАСИ ВА ФАРИШТАСИ БЎЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУНАР ЭГАЛЛАШЛАРИ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. «ЙИГИТ КИШИГА ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ» ДЕЙМИЗ. АСЛИДА АЁЛЛАРГА ҲАМ ҲОЗИРГИ КУНДА ҚИРҚ ҲУНАР ОЗЛИК ҚИЛАДИ. НЕГАКИ ОИЛАДА АЁЛ ПАЗАНДАЛИК, ТИКУВЧИЛИК, ҚАНДОЛАТЧИЛИК ЁКИ БЎЛМАСА ҲАМШИРАЛИК СИРЛАРИДАН ВОҚИФ БЎЛСА, УНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ОШИБ, ҲУРМАТ-ЭЪТИБОРИ ОРТАДИ. ЗЕРО ХАЛҚИМИЗДА «ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ» ДЕБ БЕЖИЗ АЙТИЛМАЙДИ.

Кундалик ҳаётимизда пазанда аёлларнинг ширин таомлар, турли хил пишириқлар тайёрлаши оила аъзоларининг руҳиятини кўтариб, оила фаровонлиги ва тотувлигини таъминлайди албатта. Турмуш бўсағасида турган қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни турли хил ҳунарларга ўргатиш мақсадида шаҳримизда фаолият юритаётган кўплаб ўқув марказларининг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир. Айниқса Чилонзор туманида жойлашган «Иффатли келин» ўқув марказининг олиб бораётган ибратли ишларидан кўпчилик ота-оналар миннатдор. Шунингдек,бу ерда ҳунар ўрганган қизлар ўқув марказининг малакали ва тажрибали ўқитувчиларидан жуда хурсанд.

«Иффатли келин» ўқув марказининг ташкилотчиси ва раҳбари Солиҳа Юсупова асли шифокор-педиатр, узоқ йиллик иш тажрибасига эга, шу билан бирга ўз соҳаси бўйича тадбиркор ҳамда доимо ўз мақсади сари интилувчан, изланувчан, ижодкор аёл. Унинг раҳбарлигида ўқув марказининг филиаллари бугунги кунда бир неча вилоятларда ҳам ташкил қилинган бўлиб, неча минглаб хотин-қизларнинг ҳунар эгаллаб, қўли гул чевар, уста пазанда, моҳир ҳамшира деган ном олишларига сабаб бўлмоқда. Энг муҳими, оилаларида севимли бека, ибратли қиз ё келин бўлиб олқиш ва дуо олишмоқда.

— Ўқув марказининг мақсад ва вазифалари ҳақида гапирадиган бўлсам, авваламбор ёш аёллар ва қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, уларни турмушга тайёрлаш, айниқса болалар ва онаслар соғлиғини мустаҳкамлаш учун зарурий билимларни бўлғуси оналарга ўргатишни мақсад қилиб ушбу марказ ташкил қилинди,— дейди биз билан суҳбатда «Иффатли келин» ўқув маркази раҳбари Солиҳа Юсупова.— Бугунги кунда марказда ёш келинчакларга ҳаётий зарур бўлган уй-рўзғор ишларига доир пазандалик, қандолатчилик, бичиш-тикиш, замонавий соч турмаклаш, элита пардаларни яратиш, косметология, маникюр-педикюр, ўқалаш, ҳамширалик, бисер тикиш, каштачилик,зардўзлик сингари ҳунарлар ўргатилади. Бундай билимга эга бўлиш ҳар бир ёш келинчак учун долзарб масала бўлиб, натижада у оила тотувлиги ва фарзандларининг тўғри ва соғлом ўсишига замин яратади. Ўқитиш ишларини муваффақиятли ташкил қилиш омилларидан бири — бу етук ва малакали мутахассисларнинг фаолият кўрсатишидир. Ўқув марказида Сабиҳа Солиҳова, Муаттар Нурмуҳамедова, Дилбар Гуломова, Зарифа Саидалиева сингари ўз касбининг устаси бўлган тажрибали ўқитувчилардан сабоқ олган қизлар ҳар бир эгаллаётган ҳунарларини пухта ва осон ўрганадилар. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўқув марказида шунчаки ўқиб диплом олиш эмас, балки ихлос билан ҳунар эгаллашни ният қилиб ўқиш учун интилган қизлар келгусида ҳунари гўзал бўлиб етишадилар ва албатта ҳунарлари билан ҳаётлари чиройли ва мазмунли бўлиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, оилада қизлар ўқувли, ҳунарли бўлса қандай яхши. Қиз боланинг айниқса тикиш-бичиш ишларини яхши ўзлаштириб олишлари муҳимдир. Хусусан, ювилган кийимларни дазмоллашдан олдин албатта кўздан кечириш ва керакли жойларини таъмирлаш ишларини бажаришга тўғри келади. Бундай вақтда тикиш-бичишдан хабардор бўлиш қўл келади, Ёки уйингизда меҳмон кутмоқчисиз, албатта ширин таомлар, мазали пишириқлар, хилма-хил салатлар тайёрлашингиз зарур. Бу ҳунарларни ўрганган қизлар ҳаётда асло қоқилмайдилар, оиланинг саранжомлигини таъминлаб, оила бюджетига ва маънавий ҳаётига катта ёрдам берадилар, албатта. Шундай экан ёш аёллар ва эндигина мустақил турмуш остонасида турган қизларга қарата айтамизки, сиз албатта бахтли ва ибратли келин бўлишни жуда ҳам хоҳлайсиз. Шундай экан бундай орзуниятларингизга тилакдош бўлган ҳолда сизни «Иффатли келин» ўқув марказида ҳунар эгаллашга чорлаб қоламиз. Шу ўринда мамлакатимизда бахтиёр оилаларнинг шаклланиши ҳамда бахти бекам бекалар, ўзи ҳам, ҳунари ҳам гўзал ва оқила аёллар ва ибратли қизларнинг сафи ортиб боришида муносиб ҳисса қўшиб келаётган мазкур ўқув марказининг олиб бораётган эзгу ишларига ҳамиша омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Иффатли келин» ўқув маркази фаолиятидан лавҳалар

Туйғулар

ОНА АЛЛАСИ

Узоқлардан келар бир наво, сеҳрлайди вужудимизни, жон қулоққа айланиб кетар, унинг сеҳри тутар оламни. Куй чалинмас, янграмас дутор, аммо майин, ҳазин бир овоз таралади жуда жарангдор. Унда меҳр, муҳаббат бисёр, сўзларида орзу ва умид, келажакка ишора қилар. Бахт таралар мисраларидан, ёғилади ёғдулар кўкдан.

Чалинмайди у ҳеч қандай создан, созланмайди ҳатто овозлар, у шундай куй—номи бир достон, тугамайди айтгани билан. Сўзларида маъно мужассам, камалаклар жилваси билан. Уни фақат оналар айтар, юрагида бор меҳри билан.

Бу алладир она алласи, боласига аталган изҳор. Ёзолмайди ҳеч қайси шоир, чунки унда сирли туғён бор. Алла бўлиб туғилган қўшиқ, меҳр бўлиб кирар қалбларга, тугамайди унинг навоси, яшайверар асрлар оша. Бу алладир, она алласи, боласига жони минг ҳалак, янграйверсин унинг ялласи умидига палаклар тўшаб..

Алла, аллалайвер, наволарингдан
болалигим ёдга тушмоқда,
Онажоним кўзим ўнгида
неварасин суйиб ўпмоқда.
Алла, аллалайвер бешикларингда
болажонлар кулиб ётсинлар,
Майин, сирли оҳангларингдан,
тонглар фақат нурли отсинлар.

АЁЛ КЎНГЛИДАГИ БИТИКЛАР

Кўнглимиз жуда нозик, меҳр истар мудом дилимиз. Оилада бўлсин деймиз ўз ўрнимиз ва айтар сўзимиз. Ён-атрофга тийрак боқиб, қанийди ҳеч бўлмаса деймиз камимиз. Югурамиз, еламиз, уйим-жойим, болам ва яна давлатдаги ишим деймиз, чарчашни ҳам баъзан билмаймиз. Гўё бу дунёга бир умр боғлаб бергандайин умримиз. Аммо кўнгил доим тўлавермаскан, баъзан нимадандир ризо, норизо, нимадандир кемтик, беҳаловат, нимагадир шошган, улгура олмайманми деган ҳавотир билан яшайверамиз...

Аёл, тўхта бир пас. Қайга шошмоқдасан, бунчалар елиб югурмасанг, тиниминг борми ўзи, уйқунгда ҳаловат, ором-чи. Турмуш ўртоғингнинг кўнглини оласан, фарзандларингга парвона мисол гирдикапалаксан, набиралар қуршовида шодсан—хуррамсан.

Омонат дунёда омонат яшайди одамзот. Сен эса турмушнинг муштлари ичра баъзан борлигингни, узоқдаги яқинларингни, жону-қондошларингни ҳам унутиб қўясан. Кийим-бошинг бут, пулинг бор чўнтагингда, севган ишинг билан машғулсан, фарзандларинг соғу саломат яна нима керак менга, бахт шу эмасми дейсан ва бахтинг бутунлигидан қараклаб кетасан.

Тўғри, аслида бу кўҳна оламда одамзотнинг яшашининг ўзи ҳам бир бахт. Аммо бир ўйлаб кўрчи, қачон ташвишландинг соғлиғингдан безовта бўлиб. Нега юрагинг тез ёки секин урмоқда кейинги вақтларда, баъзан ҳаво ҳам етмай қолар кенг бу дунёда. Нега бундан ташвишланмаяпсан, қўрқмаяпсан, ахир боғлаб бермаганлар-ку сени бу ҳаётга. Кекса онангни соғиниб боролмай қолдинг иш билан бўлиб. Ёлғизгина опанг йўлинга кўз тутмоқда сарғайиб, сўлиб. Акаларинг, укаларинг, амма-хола, жияларинг қондошинг қонинг ахир. Сен уларнинг бир бўлагисан. Ўралашиб қолмадинг-ми, оила ва ишнинг ташвишларига.

Мен ўзимдан қиёс олиб ёздим буларни, чунки баҳонам кўп, етмайди вақтим. Шунда ишим кўплигини важ-карсон қилиб кўрсатаман, ҳатто ёнимдаги ёлғизгина қўшни кампирдан ҳам ҳол сўрай олмай қоламан баъзан. Эртага, эртага, эртага дейман лекин эрталарнинг, эртаси кўпдир. Қачон қизим билан кинога тушдим ҳатто эслолмайман ҳам. Ўйладим, узоқ ўйладим ўзим учун ҳам яшайман энди, эртага шифокор ҳузурига бораман, кўрикдан ўтаман, кейин дадамдан қолган ёлғиз ёдгорим кекса аммамни бориб кўраман. Дуосини оламан. Энг кенжа жияним нимага унутаёздим сени, авлодимиз давомчиларин. Синфдошим, илк сабоқдошим сени ҳам эсладим бугун. Демак, кўп нарсани четга суриб қўйибман, ўралашиб қолибман ўз қобиғимга, ишим ва оила ташвишлари билан. Аслида унутганим узоқдаги яқинларим, ҳаётимнинг бир бўлаги—ку.

Аёл, сен ҳаётнинг фаришталарисан, умрнинг ва оиланинг сариштаси, кўнгилнинг малаги. Биламан, барибир ўзингчун яшамайсан, ўзгалар ғамини ейсан. Лекин билиб қўйки ўша ўзгалар сенинг борлиқдаги боринг бўлади. Баъзан йўлларингга кўз тутиб улар бехосдан, бемаврид қазо қилади. Яратувчи, яшнатувчи, меҳр улашувчи ягона зотсан. Оилангга бахт улашавер, асло қолма давлат ишидан, бироқ гоҳи-гоҳида огоҳ бўлгин соғлиғингдан ҳам. Узоқдаги қариндошинг хафа бўлмасин, сўраб қўйгин кўнгил учун, кўнгли қолмасин. Фарзандингнинг қалбига ҳам бир мўралаб қўй, унда қандай кечаяпти фикр билан ўй.

Гулчехра ДУРДИЕВА

«Камолот»

ҲАШАР—ЁШЛАРГА ЯРАШАР

ЮРТИМИЗГА ГЎЗАЛ БАҲОР КИРИБ КЕЛИШИ АРАФАСИДА БОШЛАНИБ КЕТГАН ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ, ТОЗАЛИК-ПОКИЗАЛИК ЮМУШЛАРИГА «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ФАОЛЛАРИ ҲАМ ЎЗЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.

Хусусан, ўтган дам олиш кунлари «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан катта ҳашар уюштирилди. Ташкилот жойлашган бутун ҳудуд, кўчалар, ариқлар турли чиқиндилардан тозаланиб, супуриб-сидирилиб ораста ҳолга келтирилди.

— «Камолот»чилар, туман сардорлар ва етакчилар Кенгаши аъзолари ва фаоллар яхши бир ташаббус билан чиқдилар, —дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Азимжон Мирзажонов,— яъни Наврўз байрамига қадар ҳар бир туман ўз ҳудудида жойлашган қабристон ва зиёратгоҳларни тозалаб, гул ва кўчатлар экиб ўтганлар руҳини шод этишни мақсад қилди. Ўтган шанба-якшанба кунлари 30 нафар «Камолот» сардорлари Чиғатой-дарвоза қабристонида ҳашарда қатнашдилар. Бу билан улар чекланиб қолмайдилар, балки ўзлари ўқиётган ўқув масканлари, маҳаллалар, хиёбону асосий шоҳкўчаларда ҳам тозалик юмушларига ҳисса қўшадилар.

Бундай тадбирлар албатта ёшларни она-Ватанга муҳаббатли, она-заминимизни асраб-авайлашда фидойи бўлишга чорлаб, уларнинг экологик маданиятини ошириб, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялашга, шунингдек, пойтахт шаҳримизни энг тоза ва обод масканга айланишига хизмат қилади.

УРФ-ОДАТЛАРНИ ЎРГАНАМИЗ

«КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН 71-МАКТАБДА ТУМАН САРДОРЛАР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ УЧУН «ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ УРФ-ОДАТЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ» МАВЗУСИДА ЎҚУВ СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРДАН ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ УРФ-ОДАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ, ЁШЛАРНИНГ ЎЗГА МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИ ВА ХАЛҚЛАРИГА БЎЛГАН ҲУРМАТИНИ ОШИРИШ КАБИ БИР ҚАТОР ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАР КЎЗЛАНДИ.

Шу кунгача ҳар бир туман Кенгаши сардор ва фаоллари маълум бир маданият марказига бириктирилган эди ва улар ўша халқнинг урф-одатлари, анъаналари, тарихи, маданияти, миллий таомлари, кийиниш маданиятини ўрганишди. Жумладан Бектемир тумани Туркия, Мирзо Улуғбек тумани Ҳиндистон, Миробод тумани Россия, Сергели тумани Хитой, Собир Раҳимов тумани Миср, Учтепа тумани Япония, Ҳамза тумани Франция, Чилонзор тумани Озарбойжон, Шайхонтоҳур тумани Жанубий Корея, Юнусобод тумани Италия, Яккасарой тумани Қозоғистон маданият марказлари билан ҳамкорлик қилишди. Тошкент шаҳар сардорлари эса Ўзбекистон маданиятини чуқур ўрганишди.

Семинар доирасида «Камолот» ЁИҲ фаоллари саҳна чиқишлари орқали 12 та давлат урф-одатларини намойиш қилишди. Ҳар бир жамоа ҳакамлар ҳайъати диққатига маълум халққа доир махсус альбомларни тақдим этдилар. Шунингдек, иштирокчиларнинг дунё халқларининг миллий кийимларида миллий таомларини меҳмонлар эътиборига ҳавола этишлари ҳамда уларнинг тайёрланиши ва тарихи ҳақида гапириб беришлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

МАКТАБ, МАҲАЛЛА, ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ

МАЪЛУМКИ, БУГУНГИ КУНДА МАҲАЛЛА, ОТА-ОНАЛАР ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИГА КАТТА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА. БУ ҲАМКОРЛИК ОРҚАЛИ АВВАЛАМБОР БОЛАЛАРНИНГ ТАРБИЯСИГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИШ, БОЛА УЙДА ҲАМ, МАКТАБДА ҲАМ, МАҲАЛЛАДА ҲАМ ДОИМО ДИҚҚАТ МАРКАЗДА БЎЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН.

Ушбу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликда пойтахт умумтаълим мактаб етакчиларининг «Маҳалла ва ота-оналар билан мактаб ўқувчиларининг фаол ҳамкорлиги» мавзуида ўқув семинарини ташкил этди. Семинар қатнашчилари Шайхонтоҳур туманида жойлашган 115-мактабда йиғилишди.

Ташкилотчилар ушбу анжуманни ўтказишдан «Камолот» ЁИҲнинг мактаблардаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, мактаб етакчилари орқали эса маҳалла ва ота-оналар билан мактаб ўқувчиларининг фаол ҳамкорлигини таъминлашга кўмаклашиш каби хайрли мақсадни кўзлашди.

Машғулот давомида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, «Маҳалла фаолияти билан танишиш», «Мактаб ва маҳалланинг ўзаро ҳамкорлиги», «Мактаб ва маҳалланинг ўзаро ҳамкорлигида мактаб етакчисининг тутган ўрни ва унинг фаолияти» мавзуларида интерфаол усулдаги маърузаларни тинглашди. Иштирокчи ва қатнашчиларнинг мавзулар доирасидаги савол-жавоблари билан қизиқарли ва кўтаринкиликда ўтган ушбу семинар барчада яхши таассурот қолдирди.

Азиза МУҲАМЕДОВА

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кон неча базли гуҳари пок этар,
Олгучи кўпроқ юрагин чок этар,

Кон қанча кўпроқ тоза марварид етиштирса, олувчи киши унинг юрагини кўпроқ ёради.

Косиб, ганжи кафи зар олғинжи эрур,
Икки қўли мизони дирамсанжи эрур.

Косибларнинг олтин олувчи хазинаси уларнинг қўлларидир. Танга ўлчов тарозиси эса, ана шул қўлларидир.

Кабутар қаср буржида эмас шаҳ шастидин эмин,
Хушо ул чуғзким, вайрона кунжин ихтиёр этмиш.

Подшоҳнинг олий бинолари бурчагидаги каптарлар унинг зулм тузоғидан хотиржам бўлолмайдилар, уларга нисбатан бузуқ вайроналарда ётувчи бойқушнинг вақти хушроқдир.

Коминг учун туз бўлу, адл айла иш.
Ўқда агар адл йўқ, этмас равиш.

Мақсадингга етиш учун тўғри иш қил, нотўғри (қинғир) бўлган ўқ фойдасиз кетади.

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Оламдан ғамсиз ўтай десанг илму ҳунар ўрган. Дунёдан камолатга етишмай ўтиш ҳаммомдан тоза бўлмай чиқишнинг худди ўзи.

Катакда қолиб бўрдағон мокиён,
Не маълум учмокда суду зиён.

Катакда семириб ётган макиён учишнинг фойда ёки зарарини қайдан билади.

Карамсизки, бор уйда махзан анга,
Фалокат била фоқадур фан анга.

Хасиснинг уйида хазина бўлса ҳам, унинг ҳаёти фалокат билан очлиқдан иборат.

Кеча яшнар қурт забона ишин қилмас,
Ва кўпалак парвона ишин.

Кечаси ялтираб кўринувчи қурт ўтнинг, капалак парвонанинг ишини қилолмайди.

Керак бўлса, сўз ўйлаким дурри пок,
Садафдек ҳақир ўлса қойил, не бок.

Сўз пок гавҳар каби қийматли бўлгач, сўзловчининг садаф каби хор бўлишидан нима зарар.

Ки, бергучи агар ўлсун гадо-ю олғучи шоҳ,
Берур илик юқорию, олур илик қуйидур.

Берувчи гадо бўлиб, олувчи шоҳ бўлса ҳам саховатлик киши ҳар вақт юқоридир. Яъни берадиган қўл оладиган қўлдан юқори туради.

Ки деҳқон неким, дона мазру этар,
Ани-ўқ ўрар, чунки вақти етар.

Деҳқон қандай экин экса, вақти етганда шуни ўради.

Ким эгри эса, тузлук эмас пояси ҳам,
Бор ўзидек эгри суду сармояси ҳам.

Ҳар кимки, эгри бўлса унинг топган мартабаси ҳам тўғри эмас, унинг сармояси, келтирган фойдаси ҳам ўзидек эгри бўлади.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдин анга яхшилиқ.

Яхши қилиқ кўрсатганларнинг ўзларига яхшилик етади.

Килки улус ўртамакига ўтун,
Ўткариб ул ўти фалакдин тутун.

(Сотқин котибларнинг) қалами, халқни куйдириш учун ўтинлик вазифасини бажарадиким, у ўтдан чиққан тутун осмондан ҳам ошиб кетарликдир.

Ким бўлса ҳунарсиз, иши-ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ илаким, ҳунари ганжи эрур.

Ҳунарсиз кишилар аламга эга бўлсалар, ҳунарлилар хазинага эгадирлар.

Ким бўлса табиати муолиж,
Жисмидин этар маразни хориж.

Кимнинг табиат ва мизожи илож қилувчи бўлса, жисмидан хасталикни чиқаради. Яъни кишининг организми кучли бўлса, ўзини хасталикдан мудофаа қила олади.

Ким бўрилиғ этса, ковла они,
Ул ер ити бирла овла они.

Бўри каби йиртқичлик қилган кишини ўз жойининг ити билан овла.

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.

Дунёда буюклик истаган киши, саховатли бўлиши, ҳам ваъдага вафо қилиши шарт.

Кимгаким, инсоф йўқ, инсон эмас,
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.

Инсофи йўқ киши одам эмас, инсофсиз кишининг қилиғи камчиликдан бошқа нарса эмас.

Кимки қилур чинлик алардин ҳавас,
Қошлари устида топор чину, бас.

Ёлғон сўзлашга ўрганганлардан чин истасанг, қошлари устидаги чин (пешана тириши)нигина топасан, холос.

Кимки, чини эл аро ёлғондурур,
Ёлғони чинликқа не имкондурур?

Одамлар орасидаги рост сўзи ёлғон бўлиб танилган кишининг ёлғони қачон чин бўла олади?

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тадбиркор Аширов органик ўғити «Агро А» (гумус)ни чекланмаган миқдорда сотади.
Тел: 702-17-91

Тадбирлар

АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур... XV аср охири XVI аср ўрталарида Мовароуннаҳр ва Хуросонда шаклланган адабий муҳитга ўзининг ижобий таъсирини ўтказган, «Бобурнома», «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши» сингари дунёвий асарлари билан шарқ бадииятини бойитган бетакрор сиймо. Бугунги авлод уни ана шу сифатлар билан тилга олади. Ҳурмат ва эҳтиром кўрсатади.

Шу маънода Юнусобод туманидаги «Пахтаой» номли 235-мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган маърифий кеча ҳассос шоирнинг мураккабликларга тўла ҳаёти ва беназир ижод йўлига бағишланди.

Унда мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, ўқитувчи ва мураббийлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбир давомида ўзбек гуруҳида тарбияланувчилар Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида саҳналаштирилган «Шоҳ ва шоир» спектаклини рус тилида намойиш этишди. Катта қизиқиш билан тайёрланган саҳналар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Бугунги маърифий кеча бир қатор жиҳатларни қамраб олади, — дейди «Пахтаой» номли 235-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Гўзал Усмонова биз билан суҳбатда. — Гап шундаки, тарбияланувчиларимизнинг спектакль намойишини рус тилида талқин этиши орқали икки миллат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг мурғак қалбини ўтмиш бобокалонларимиз хотираси билан мунаввар этиш, образли дунёсини шакллантириш ва бойитишдан иборатдир.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур тарбия ўчоғида 235 нафар болажонларга 17 нафар кўп йиллик тажриба ва малакага эга бўлган тарбиячи-педагоглар таълим-тарбия беришади. Юқорида айтиб ўтилган маърифий кечанинг янада жонли ўтишида эса Зулфия Жалолова, Шаҳноза Умарова, Шоира Парпихўжаева сингари меҳридарё мураббийларнинг ҳиссаси беқиёс. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хумора Ихтиёрова раҳбарлигидаги миллий рақс тўгараги наинки бобурхонлик кечасида, балки бошқа кўплаб тадбирларнинг ўзига хос тарзда ўтишига ҳисса қўшиб келади. Бундан ташқари бу ерда олиб борилаётган тарбия жараёнининг янада самарали кечишида ота-оналарнинг кўмаги, ибратли маслаҳатлари сезилиб туради. Улар орасида Нигора Қорабоева, Зуҳра Ҳусаинова, Асалхон Отахонова сингари жонкуярларнинг борлиги тарбия жабҳасидаги ютуқларга омил бўлмоқда.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУРАТДА: «Пахтаой» номли 235-мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган «Шоҳ ва шоир» маърифий кечасидан лавҳа.

Г.Усмонова олган сурат

ТАДБИРКОРЛАРГА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА, ЖУМЛАДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА, АҲОЛИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМЛАРИДА БИР ҚАНЧА ЯНГИЛАНИШЛАРНИ ЮЗАГА КЕЛТИРДИ.

Бошқача айтганда, ислоҳотларнинг кенг миқёсда тус олиши турмуш тарзининг ўзгаришига, айни пайтда мулкий муносабатларнинг шаклланишига олиб келди. Ислоҳотларнинг муҳим натижаларидан яна бири, бу — тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очилганлиги ва бу ҳаракатнинг ҳуқуқий кафолатланганлигидир. Яъни, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусий мулкчиликка кенг ўрин берила бошланиши билан бир вақтда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига эътибор кучайтирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Бугунги кунга келиб тадбиркорлик иқтисодий ривожланишнинг муҳим бўғинларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада тараққий эттиришга давлат миқёсида эътиборни кучайтириш мақсадида қабул қилинган муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Миробод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси томонидан тадбиркорлик субъектлари, айниқса микрофирмалар ва кичик корхоналарда ўтказиладиган ўрганишлар давомида аниқланган ёнғинга қарши камчиликлари тадбиркорлар фаолиятига халал берган ҳолда эмас, балки уларга мунтазам профилактик тушунтириш ишларини олиб бориш йўли билан бартараф этишга эришиш йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўлида қабул қилинган Фармонда белгиланган талабларни бажариш юзасидан давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳам бошқа назорат қилувчи органлар қатори туман ҳокимлиги билан биргаликда тадбиркорлар билан учрашувларни ўтказиб, ўз маслаҳатларини бериб бормоқда.

Р.БАРАТОВ,
Миробод ТИИБ ЁХБ инспектори, капитан

Футбол

ОЛДИНДАН ПЕШҚАДАМ БЎЛИШДИ

МУХЛИСЛАРГА МАЪЛУМКИ, 7 МАРТДАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАЛАР ЛИГАСИ МУСОБАҚАЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛАДИ.

Қувайтнинг «Қувайт СК», Эроннинг «Истиқлол», Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» клублари билан бир гурухдан жой олган мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» жамоаси дастлабки учрашуви эронлик чарм тўп усталарига қарши ўтказиши лозим эди. Бироқ, Осиё футбол конфедерацияси Эроннинг «Истиқлол» жамоасини Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларидан четлатди. Клуб 30 нафар футболчидан иборат рўйхатни 11 февралга қадар Осиё футбол конфедерациясига тақдим этмаганлиги учун мазкур жазога лойиқ топилди.

Осиё футбол конфедерациясининг бу қарори Ўзбекистон терма жамоасига Осиё чемпионатига тайёргарлик кўриш учун бирмунча қулайликлар яратиши табиий. Гап шундаки, 7-11 март кунлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида «Алма-ата ТВ Кубоги» халқаро турнири уюштирилади. Ушбу мусобақада Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашади. Осиё чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтайдиган ушбу турнирга терма жамоамиз мураббийлари «Пахтакор» клуби аъзоларини ҳам жалб этиш имкониятига эга.

Дарвоқе, Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида эндиликда «Истиқлол» жамоасига 0:3 ҳисобидаги мағлубият ёзилади. Демак, бемалол айтиш мумкинки, Осиё чемпионлар лигаси баҳслари бошланмай туриб «пахтакор»чилар уч очко билан пешқадам бўлиб олишди.

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИН ШАҲРИДА 2008 ЙИЛДА ЎТАДИГАН ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ҚАТНАШИШНИ НИЯТ ҚИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИ 7-14 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ УЮШТИРИЛГАН САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИНИ ҒОЛИБ СИФАТИДА ЯКУНЛАШГАНИ МУХЛИСЛАРГА ЯХШИ МАЪЛУМ.

Куни кеча Осиё футбол конфедерациясида «Пекин—2008» саралаш турнирининг иккинчи босқич баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Қуръа натижаларига кўра Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси «F» гуруҳида кейинги босқич йўлланмаси учун Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари ва Яман олимпиячилари билан куч синашади. 28 февралдан 6 июнгача давом этадиган гуруҳ баҳсларида 1-2 ўринларни эгаллаган олимпия терма жамоалари кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳал қилувчи учинчи босқич беллашувлари эса 22 август—21 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Унда қатнашадиган 12 та олимпия терма жамоасидан 3 тасига ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Биз ана шу масъулиятли баҳсларда олимпиячиларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРМАНГ

23 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Мунажжимлар таъбирича, Қуёшнинг бугунги ҳолати инсонларнинг ҳаётнинг барча соҳаларида ўз эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондиришга интилишларига сабабчи бўлар экан. Интеллект ва билимлар сайёраси Меркурийнинг орқага йўналган ҳаракати шу йил 4—7 февралдаги воқеаларни эслашга ундайди.

Меркурийнинг бугун Балиқ буржининг "бузғунчи" 4-даражасида бўлиши илгарилари эришилган шартлашувларни қайта кўриб чиқиш имконини беради. 6 мартгача имзо чекишга тайёр турган амалий ва шахсий қоғозларингизга тузатишлар киритиш имкони бўлади.

Ой тақвимининг 7-куни кўпинча одамларни ортиқча вайсақиликка мойил қилиб қўяди. Лекин, атроф олам тасодифан оғзингиздан чиққан ҳатто ҳар бир сўзга ҳам ғоят сезгирлик билан жавоб бериши ёдингизда бўлсин.

Кеча ва бугун шахсий ташаббуслар ва масъулиятли музокаралар учун омадли бўлмайди. Ўзингизга ўта бино қўйган ҳолда суҳбатдошингиз нуқтаи назарига қулоқ тутишда ғоят эътиборсиз бўласиз.

БУГУН:

— фақат тез уддасидан чиқадиган ишлар билангина шуғулланиш;

— манфаатларингиз доираси ва мулоқотлар даврасини кенгайтириш;

— кино, театрларга бориш, кўргазмалар ва тақдимотларда қатнашиш;

— виждон амри билан иш юритиш, ҳар соҳада адолат тарозусига риоя этиш;

— мураккаб муаммоларни телефон ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида ҳал қилиш тавсия этилади.

Спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш, чўзилиб кетиши мумкин бўлган ишлар билан шуғулланишдан ўзингизни тийинг.

Тўқ кулранг, яшил ва кулранг, ҳаворанг либосларга бугун устуворлик берганингиз маъқул.

Тиббиёт ажойиботлари

ТАВБА, ДЕЙСИЗ. ИНСОН ҲАЁТИДА ШУНДАЙ МУДҲИШ ҲОДИСАЛАР РЎЙ БЕРИБ ТУРАДИКИ, УНГА АЧИНИШ ҲАМ, ИЗТИРОБГА ТУШИШ ҲАМ МУМКИН. ТАБАРРУК ЁШДАГИЛАРНИНГ ТАЪБИРИЧА, БИРИНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛАСАН, БИРИНИ КЎРИБ ШУКР ҚИЛАСАН.

ИККИ БОШЛИ ОДАМ

Табиатнинг қалтис ҳазилларидан бири 1953 йил 12 декабрь куни АҚШнинг Индиана штатида содир бўлди. Таъриф этишга ожизлик қилади, киши: дунёга келган икки бошли боланинг жонли гувоҳи бўлишган. Боланинг бир боши рисоладагидек, иккинчисида оғиз, кўзлар ишлаб турса ҳам ақлий ривожланишнинг бирон-бир белгисидан нишона йўқ эди.

Қарангки, умуртқа поғонаси умумий бўлган иккита тана қўшилиб ўсган, тана ягона-ю, бироқ бошлари бир-биридан алоҳида ҳаракатланар, ухлар ва овқатланарди.

ЭГИЗАК ЖОНСЛАР

Аниқ маълумотларга қараганда, 1889 йил 24 июнда Индиана штатининг Типтон-Каунти шаҳрида «Эгизак Жонслар» деб қайд этилган машҳур болалар туғилган. Уларнинг умумий танаси, бир-бирига тескари қараган икки боши, қўшилиб ўсган тўртта оёғи ва иккита қўли бор эди. Бу мажруҳлар бир йил давомида оммавий томошага қўйилади, икки бошли Жонсларни кўргани тумонат одамлар оқиб келишади. Бечора мажруҳнинг орқасидан муассаса эгалари катта фойда кўрардилар. Манбаларга қараганда, 1891 йили Нью-Йорк теварагида жойлашган Авлиё Жон меҳмонхонасида мажруҳ «эгизак Жонслар»нинг ўлганлиги ҳақида хабар тарқалади.

УЧИНЧИ ОЁҚНИНГ ХОСИЯТИ

Франк Эдварснинг ёзишига қараганда, АҚШнинг Майами шаҳрида 1961 йили уч оёқли мажруҳ одам томошахонада барчанинг назарини тортадиган лавҳалар билан фаолият кўрсатган. Мажруҳ кишининг учинчи оёғи бевосита унинг умуртқа поғонасининг пастки қисмидан ўсиб чиққан бўлиб, одамни тутиб тура оладиган даражада росмана ривожланган. Айтишларига қараганда, бу мажруҳ кўприкда туриб балиқ овлашга жуда ишқибоз бўлган. У учинчи оёғидан таянч сифатида фойдаланган. Ўз-ўзидан равшанки, бу ғайритабиий кишига ўтган-кетганлар ажабланиб қарашар эди.

ҚОЛГАНЛАРИ КЕРАКСИЗМИ?

«Америкен джорнел оф обстетрикс» номи билан чиқувчи нуфузли журнал саҳифаларида доктор Уэллс деган шахс унинг мижозлари қаторида 21 ёшли қизнинг ҳар томонлама яхши ривожланган тўртта оёғи борлигини қайд этган. Қиз оёғининг ташқи жуфти асосий фаолиятини бажарган, шу туфайли ҳам улар кучли ва узун бўлган. Доктор Уэллс 1891 йилда ўша қизни тиббий назоратдан ўтказганда қизча ҳар тарафлама соғлом бўлган.

РИСОЛАДАГИ КЎРИНИШГА КЕЛДИ

Жанубий Африкадаги Капштат шаҳарчасида ҳали тиббиёт амалиётида қайд этилмаган ҳодиса рўй берди. Ҳарбий шифохоналарнинг бирида ҳомиладор онанинг қорнидан боласи жарроҳлик амали билан олинди. Бу каби ҳодисалар кўплаб учрайди-ю, бироқ гўдакнинг оёғи тўртта ва жинсий аъзоси иккита эди. Шифокорлар ҳозирги замон нозик асбоб-ускуналаридан тадбиркорлик билан фойдаланишиб жарроҳлик йўли билан унинг ортиқча аъзоларини олиб ташлашди. Шундай қилиб болани рисоладагидек кўринишга келтириб қўйдилар.

ЯККА ВА УЧТА КЎЗ

Олимларимиздан Зикрилла Эгамбердиев тиббиёт оламида содир бўлган ғайритабиий ҳодиса ҳақида сўзлаб берган эдилар. Яъни бир вақтлар Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида бир аёл икки бошли бола туққан экан. Дунёга келган боланинг оёқ-қўллари рисоладагидек, аммо манглайининг қоқ ўртасида бир кўзи бўлган. Гўдакнинг бармоқларининг барчаси тирноқлардан иборат бўлиб, гўё бургут чангалини эслатар экан. Қалин, пахта момиғидек майин жунлар бутун баданини қоплаган бўлган.

Тиббиёт солномаларида ёзилишича, XIX асрда Испанияда уч кўзли Мигель деган шахс яшаб ўтган экан.Унинг учинчи кўзи пешонасида бўлиб, жиддий қараб туриши билан ажралиб турган. Мигель сайёр томошахона одамлари билан Европа ва Американинг турли ҳудудларида бўлиб, одамларни ҳайратга солган.

Доноларнинг айтишларига қараганда, ҳар бир инсон ўзининг аъзои-раисаларининг бенуқсон бўлишидан шукроналик билан ҳаёт кечирмоғи лозим. Мабодо ҳаёт тақозоси билан бирор киши инсоний мужассамликдан бебаҳра бўлса, унда бундай шахсларнинг кўнглини кўтариб, ҳурматлаш даркор.

Маннон НАБИЕВ тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«YILMAZ TEKSTIL» чет эл корхонаси Шайхонтоҳур ва С.Раҳимов туманларидаги хотин-қизаларни қуйидаги ишларга таклиф қилади: тикувчи, бичувчи, қадоқловчи, сифат текширувчиси, фаррошлар.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Охунбобоев майдони, «ЧОРСУ САВДО МАРКАЗИ» (Эски ГУМ), 4-қават.
Заргарлик буюмлари дўкони томонидан кирилади.
Телефон: 392-41-45

Тошкент шаҳар, Юнусобод туман ҳокимияти томонидан Буриев Ҳасан Гайратович номига 2007 йил 8 февралда берилган №10-02056 рақамли, реестр рақами 1003680 бўлган якка тартибдаги тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 107

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6